

ШАРТНОМА № 12

Урганч т.

« 13 » январ 2022 й.

«**URGANCH GO'SHT TA'MINOT**» МЧЖ бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари С.Юсупов фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Очловий Бомалар уйи бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан раҳбари Р.Дурдыев фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки қилиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг ҳақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2.

№	Маҳсулот тури	Ўл. бир.	Микдори	Нархи ККСсиз	Умумий қиймати ККСсиз
	<u>Мол туқити</u>	<u>кг</u>	<u>95</u>	<u>62500</u>	<u>2812500</u>
	Жами:				<u>2812500</u>

2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартноманинг умумий қиймати ККСсиз Икки миллион соҳкиз юз сўмни ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот микдори суммасининг 30 фоизини олдиндан 5 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70 фоизи маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин 5 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури: пул ўтказиш

4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот «Харидор»га шартнома газначиликда руйхатга олиниб, 30 % бунақ тулови утказилгандан кейин 3 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил «13» январ дан 2022 йил «31» декабригача ўз кучида қолади.

5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, маҳсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳоси микдоридаги пул маблағини қайтариб бериш.

6.1.3. ВМ 08.05 2019 йилдаги 386-қарорига асосан «Сотувчи» Харидорга гушт маҳсулотни етказиб беришда ихтисослаштирилган замонавий суйиш корхонасининг Ф-200 шаклдаги малумотномасини тақдим қилиш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Маҳсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

6.2.3. Маҳсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Маҳсулот бериш вақтида шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 0,1% миқдорда пеня тўлайди.

7.2. «Сотувчи» маҳсулотни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га етказиб берилмаган ҳар кун учун маҳсулот баҳосидан 0,2% пеня тўлайди.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 0,1% миқдорида пеня тўлайди.

7.4. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, «Сотувчи» 0,4% миқдорда жарима тўлайди.

7.5. Маҳсулот учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаган бўлса, туловга оширилмаган маблағ миқдоридан ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4% пеня тўлайди, лекин шартноманинг умумий қийматини 50% миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. «Сотувчи» омиборидан ўз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Харидор» ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи» омиборда сакланганлигидан келиб чиққан зарар учун 0,5% миқдорида жарима тўлайди.

7.7. «Харидор» шартномада кўрсатилган маҳсулотни тулиқ ҳажмда еки қисман сотиб олишдан бош тортса, сотиб олинмаган маҳсулот қиймати миқдорида «Сотувчи»га жарима тўлайди.

7.8. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди орқали ҳал қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага қиритилган барча ўзгартириш, қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилиб, газначилик бўлимидан рўyxатдан утқазилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

11.2. Ушбу шартнома Ўзбекистон Бюджет кодексининг 122-сонли моддасига асосан Газначиликда рўyxатга олингандан кейин қонуний кучга қиради.

11.3. Тарафларнинг бошқа талаблари: _____

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари «СОТУВЧИ» «ХАРИДОР»

“URGANCH GO'SHT TA'MINOT” МЧЖ	Ошанбий болалар уйи
Манзили: Урганч т. Гойбу к. Оекбог мах.	Тел/факс: 3535425
Тел: (+99893) 741-42-21,62 228-63-95	ш х/р: 100021860332177095100095001
х/р: 20 208 000 605 162 169 001	ИНН: 205447938
Банк: АТ «Турунбанк» Урганч филиали	ОКЭД: -
МФО: 00551	Молия вазирлиги газначилиги
ИНН: 307023084	Газна х/р: 23402000300100001010
ОКЭД: 10111	Банк номи: М.Б. ББ ХККМ Тошкент шаҳри
	МФО: 00014
	ИНН: 201122919



М.Ў.

С. Юсупов

М.Ў.

(Имзо)

(Ф.И.О.)

Хушқушнос:

(Имзо)

Ш.Б.

(Ф.И.О.)

